

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ

www.xabar.cc.uz

orif@infonet.uz

habar@aci.uz

1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

2004-йил, 6-феврал, 6 (595)-сон

Sotuvda narxi erkin

ҲАЙЪАТДА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Агентлик Бош директори А.АРИПОВ бошқарган ушбу мажлисда "Халқаро электралоқа иттифоқи билан амалга оширилган ишлар ва ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар тўғрисида" Агентлик халқаро алоқаларни мувофиқлаштириш бўлими бошлиги О.Насруллаев сўзга чиқди.

Маърузада таъкидланганидек, Ўзбекистон 1992 йил, 10 июлдан бери Халқаро Электралоқа иттифоқининг (ХЭИ) аъзосидир. Маълумки, ХЭИ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги телекоммуникациялар соҳасига оид ихтисослашган муассаса ҳисобланади. Низомга мувофиқ Агентлик Халқаро электралоқа иттифоқиди Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи бўлиб қатнашади. Республикамиким ушбу иттифоққа аъзо давлат сифатида унинг доирасида тузилган халқаро шартномалар — ХЭИ Низоми ва Конвенцияси, Халқаро электралоқа регламенти ва Радиоалоқа регламенти шартларига риоя қилади. Делегациямиз ташкилотнинг барча асосий конференцияларида, унинг стипендияси ҳисобига молиялаштириладиган семинар ва тадбирларида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Утган йили ХЭИ билан ҳамкорликда Тошкентда худудий семинар ташкил этилди.

Ҳозирги пайтда ХЭИга аъзолик бадалларини тўлаш бўйича қардорлик мавжудлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси унинг ассамблея ва конференцияларида қарор қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Ҳамкорликдаги камчиликлардан бири эса

айрим ходимларнинг ўз вазифасига масъулиятсизлиги ва мазкур масала бўйича ишларнинг бетартиблиги туфайли ташкилот Устава ҳамда Конвенциясига тузатишлар ратификацияси амалга оширилмаганлигидир. Ҳамкорликда бажариладиган ишлар учун мутахассисларнинг ҳужжатлари — тасвирлар, қўлланмалар, статистик тўғламлар, ривожланиш тўғрисидаги ҳисоботлар билан танишиб чиқиши зарур.

Айни дамда ушбу ташкилот билан ишлашни ташкил этишдаги асосий қийинчилик — тил масаласи ҳисобланади. Шунинг учун чет тилларини ўрганиш бўйича курслар ташкил қилиш лозим. ХЭИ секторлари, тадқиқот комиссиялари фаолиятида иштирок этиш, шунингдек, уларда эксперт сифатида қатнашиш учун мутахассисларни тайёрлаш керак.

Шунингдек, маърузачи ХЭИ нашрларининг асосий қисми электрон шаклда чоп этилишини назарда тутган ҳолда маблағ ажратиш зарурлиги ва бошқа масалаларга тўхталиб ўтди.

Ҳайъатда қўрилган ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

TANQIDAN SO'NG

Ҳар қандай муаммога ечим бор, фақат сидқидилдан ишлаш керак, холос

"Хабар" газетасининг 2004 йил, 23 январ сониди "Ғалвир сувдан кўтарилганда..." номли танқидий мақола чоп этилиб, унда "Самарқанд почтаси" акциядорлик жамиятида кўрсатилаётган почта хизмати сифатининг қониқарсизлиги, пул маблағларини таъминловчи тадбирларга риоя этилмаётганлиги ҳамда Давлат алоқа инспекцияси кўрсатмаларининг бажарилиши тўлиқ таъминланмаётганлиги ҳусусида сўз юритилган эди.

Утган 2003 йилнинг 1-6 декабр кунлари "Ўзбекистон почтаси" ДАК ва Давлат алоқа инспекцияси мутахассислари ҳамкорлигида "Самарқанд почтаси" АЖда кўрсатилаётган почта хизмати сифат даражаси ва пул маблағлари сақланишини таъминловчи омилларга риоя этилиши ўрганиб чиқилган, натижада корхонада амалдаги меъёрий ҳужжатларга тўлиқ риоя этилмаётганлиги, ходимларнинг касбий маҳорати паст даражада эканлиги ҳамда филиаллар

да пенсия тўловини ташкиллаштиришда қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланган эди. Ушбу хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар белгиланиб, уларнинг бажарилиши юзасидан тегишли кўрсатма ва амалий ёрдамлар берилганди. Аммо шунга қарамастан, "Самарқанд почтаси" АЖда ишларнинг ижобий томонга ўзгариши жуда ҳам сустлигича қолаверди.

(Давоми 2-бетда.)

ҚАРОР ВА ИЖРО

БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

ёки Соҳада маъмурий ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича олиб борилган ишлар ҳусусида

Бозор муносабатлари, хусусийлаштириш ва жамият ҳаёти йўналишларини эркинлаштириш жараёни иқтисодиётнинг ривожланиши, соғлом рақобатнинг пайдо бўлишига имкон яратади. Ҳукуматимиз томонидан иқтисодий, ташкилий ва маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Ушбу йўналишлар бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов

томонидан 2002 йилнинг 17 феврал ва 18 июллариди бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишларида аниқ белгилаб берилган эди. Яъни, барча йўналишларда давлат органларининг қатнашуви ва уларнинг улушини кескин камайитириш ишлари амалга оширилиши лозимлиги

кўрсатиб ўтилганди. Президентимизнинг "Давлатнинг акциядорлик жамиятлари Устав фондидаги улушини кескин камайитириш ва кооператив бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, "Иқтисодни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида"ги ва "Маъмурий ислохотларни ва иқтисодни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф қилишни тузиш тўғрисида"ги Фармойишларига асосан соҳа ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, бошқарув аппаратини қисқартириш, маъмурий ўзгаришлар бўйича таклифлар ҳамда Ҳукуматнинг тегишли қарор лойиҳаси тайёрланди.

Республика комиссиясининг қарорига биноан "ЎзГПАК" давлат корхонаси, "Пренос", "Aloqainvest", "Саноаталоқа", "Автоалоқа" акциядорлик жамиятлари ва "Ўздунробита" қўшма корхонасини тўлиқ хусусийлаштириш, уларни Агентлик тизимидан чиқариш, шунингдек, "Ўзбекистон почтаси" ДАК ва "O'zimpexsaloqa" АЖдаги давлат улушини камай-

тириш ишлари ўз низоҳисига етказилмоқда. "Камалак-ТВ" ҚҚ ва "Aloqainvest" АЖни Агентлик ти-

камайитириш йўналишидаги асосий босқичларидан бири бажарилаётганидан далолатдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил, 5 январдаги "Давлат ва ҳўжалик бошқаруви республика органларининг бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида"ги қарорига асосан Агентлик Низомига тегишли ўзгариш киритиш, яъни ундан ҳўжалик органлари вазифаларига кирувчи ишларни бутунлай чиқариб ташлаш ва "Ўзбекистон почтаси" ДАКнинг ташкилий тузилмаларини қайта ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.

Агентлик тизимига кирувчи компания, корхона ва акциядорлик жамиятлари бўйича бошқарув органлари ходимлари сони аввал 3248 нафарни ташкил қилган

бўлса, қисқартириш натижасида улар сони 2806 нафарга туширилади. Шундан марказий аппаратларда, яъни Агентлик аппаратиди 56 нафардан — 45 нафар, "Ўзбектелеком" АЖда 87тадан — 64, "Ўзбекистон почтаси" ДАКда 43тадан — 38, "Матбуот таркатувчи" АЖда 23тадан — 17 нафар ходим қолиши режалаштирилган.

Ҳукумат қарорини ўз вақтида бажариш юзасидан ҳозирги кунда Агентлик раҳбарияти томонидан қатор чора-тадбирлар бажарилмоқда, жумладан, маъмурий ислохотлар ўтказиш ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари сонини қисқартириш бўйича Комиссия тузилиб, бошқарув аппаратини қонуларда кўрсатилган тартибда қисқартириш ва штат жадалларини ўрнатилган энг кўп меъёрдига бошқарув ходимлари сонига мувофиқлаштиришни таъминлаш, иқтисодни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича Республика комиссиясига тақдим этилган таклифларга мувофиқ ортиқча бўғинлар (хизматлар, бўлимлар, таркибий бўлинмалар)ни бартараф қилиш каби вазифалар амалга оширилмоқда.

М. МАХМУДОВ,
Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари



МА'NAVIYAT SOATI

(Охири. Аввали ўтган сонларда.)

МИЛЛИЙ РАМЗЛАР —
ФАХРИМИЗ

Президентимизнинг "Миллий тимсоллар ва рамزلарнинг ҳар бири миллий гуруҳимизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир", деган сўзларидан келиб чиққан ҳолда, олий ўқув юр்தларидаги ижтимоий-гуманитар кафедралар домлалари талабаларга Давлат мадҳияси, герби ва байроғи ҳақида тушунтириш ишларини кундлик вазифа сифатида қабул этишлари керак. Бундан ташқари, ҳар бир олий ўқув юрти, касб-хунар коллежи ва академик лицей ўз кўшиги (мадҳияси)ни яратса нур устига аъло нур бўлар эди. Масалан, Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси ўзининг ёшлик кўшигига эга. Шунга ўхшаш кўшик университет қошидаги академик лицейда ҳам мавжуд. Шунингдек, талабаларда гуруҳ ҳиссиётини уйғотиш, унинг мазмунини тушунтира билишимиз даркор. Айримлар бойлиги, машинаси, дангиллама уй-жойи, ота-онасининг лавозими, ҳатто, фан номзоди ёки докторлиги билан гуруҳланишади. Бу, албатта, гуруҳ эмас, балки гердайиш, мактанчоқликдир. Ўзининг ижобий фазилатлари билан бошқаларга ўрнат бўла оладиган, Ватанини, халқни, миллий қадриятларни ҳурмат қиладиган камсуқум инсонгина ҳақиқий зиёли ва раҳбар деган номга лойиқдир.

Ҳаётда амалга оширилган ҳеч бир эзгу иш, фидойилик бесамар кетмаслиги, у албатта рағбатлантирилиши керак. Бу кейинги муваффақиятларга йўл очиб бериши табиий. Шулардан келиб чиқиб, ТАТУда ходим ва талабаларни рағбатлантириш, уларни кўлаб-қувватлаш аънанага айланган. Яъни намунали ўқитувчи ҳамда талабалар сараланиб, уларга турли байрамлар арафасида моддий ёрдам кўрсатилади. Талабаларнинг ота-оналарига раҳматнома сифатида ректор имзои билан хатлар жўнатилиб турилади. Бу талабаларнинг ота-оналари олдидаги масъулиятини, уларнинг фарзандларига бўлган меҳр-муҳаббатини ошириб, тарбияни икки томонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантириш имконини бермоқда.

ДЕМОКРАТИЯ
ВА ҲУҚУҚ

Миллий истиқлол ғоясини ҳар томонлама синчиклаб ўрганиб, сўнгра ҳаётга татбиқ этишини ягона йўли ва усули Президентимиз асарларини чуқур, босқичма-босқич ўрганиб, таҳлил қилиб боришдир. Шулар асосида демократия, мустақиллик ҳамда ватанпарварлик каби ибораларнинг туб мазмуни ва моҳиятини билиб олишимиз ва уни талаба-ёшларга тавсия эта билишимиз керак.

Жамиятда доимо демократия билан ҳуқуқ тушунчалари ёнма-ён туради. Буларни бир-биридан айро қўйиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳар бир инсон ўз ҳуқуқини ва ундан фойдаланиш йўллари билиши, шу ҳуқуқни амалга ошириш қонун-қоидаларига риоя қилиши даркор. Демократиянинг ҳамма жиҳатларини ақс эттирувчи қонунлар тизимини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ҳаёт тақозосидир. Бу борада мамлакатимизда ўтган йиллар давомида анча ишлар амалга оширилди. Бош қонунимиз бўлган Конституциямиз меҳнат қилиш, таълим олиш,

ишсиз қолган тақдирда ижтимоий муҳофазага бўлган ҳуқуқни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди. Бу билан ҳуқуқий демократик давлат асоси барпо этилди.

Демократияни тўлиғича амалга ошириш учун одоб, тарбия, дунёқараш, ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан катта амалий иш олиб бориш лозимдир. Фақатгина ҳис-туйғу, эҳтирос билангина муаммони ҳал этиб бўлмайди. Ҳатто, биз кўкларга кўтариб, мактаб келаётган Ғарб демократияси ҳам бир йил, икки йилда эмас, юз йиллар давомида юзага келганлигини ва у ҳам камчиликлардан холи эмаслигини унутмаслигимиз лозим. Демократияни том маънода амалга ошириш учун тўла ҳуқуқий давлат бўлиши, давлат микёсида олиб бориладиган ҳар бир иш

ана шу муаммоларни ҳал этишга қаратилгандир.

Шунингдек, ҳар бир шахс, қолаверса, жамоа аъзоси фаровонлик, мустақиллик, тинчлик ва хотиржамлик йўлидаги ўз вазифасини аниқ, жавобгарликни ҳис этган ва замон талабига жавоб берадиган даражада тушуниб етмоғи ҳам муаммолар ечимини топишда муҳим ўрин тутди. Яъни хунарманд хунарини, ишчи-деҳқон меҳнатини, олим олимлигини, сиёсатчи эса сиёсатини талқин эта билиши даркор.

ИСЛОМ ВА ЁШЛАР

Кейинги вақтларда диёримиз мусулмонлари ҳаётида ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Республикаимизда жоме-масжидлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда, диний адабиётларни

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА
МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ
ҒОЯСИ(Бу борада ТАТУда олиб борилаётган
ишлар хусусида)

мулоҳаза, ҳуқуқ ва қонун билан чегараланиши, муҳофаза этилиши керак. Шунинг учун ҳолда бу йилда гов бўлувчи ҳамма тўсиқларни бирма-бир олиб ташлаш ҳамма фидойилар учун ҳам қарш, ҳам фарзидир. Шу билан бирга, талабалар онгда ўзгичлигини англаш, инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилиш, ўзларини улуг аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари сифатида билиш туйғуларини мужассамлаштирган ҳолда уларга мамлакатимиз олдида турган муаммоларни ҳал этиш, аввало, ўзимизнинг ишимиз эканлигини, ҳар қанча қудратли бўлмасин, бошқа мамлакат бу ишни адо эта олмаслигини, демократик қадриятлар, сиёсий, иқтисодий ислохотлар энди ҳаммамиз ва ҳар биримизга, ўз истак-иродамиз, руҳимиз, тафаккури-мизга боғлиқ амаллар эканлигини тушунтириб бера олишимиз керак.

ТАШАББУСКОРЛИК

Юртбошимиз И.Каримовнинг ривожлантириш демократиясининг барча фуқаролари ва юридик шахсларга ташаббус кўрсатиш ва ишбилармонликни ривожлантириш, ҳўжалик фаолиятининг қонун томонидан ман этилмаган барча турларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратиб келарлиги ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг қудрати халқимизнинг умиминсоний қадриятларга содиқлигида эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Бугунги кун, энг аввало, мавжуд муаммоларни зудлик билан ҳал этишни талаб этмоқда. Шундай муаммолардан бири — фуқаро фаровонлигини ошириш, босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтиш, ишбилармонларга шариқ яратиб беришдир. Юртбошимизнинг "... Ҳозирги кундаги тадбиркорлик, ишбилармонлик соҳасида ҳам турли хил бир-бирига қарама-қарши бўлган фикр-мулоҳазалар мавжуддир. Фирибгарлик билан шуғулланаётган битта-ярымта "ишбилармон" касрига соф, сидқидилдан фуқаролар манфатини кўзлаб ишлаётган ишбилармонлар қолишяпти", дея айтган сўзлари

ганида, икки ямлаб, бир ютардим", деб айтганида ҳам бир ҳикмат бордир. Зеро, салом-алик бор жойда дўстлик, қадрдонлик, самимийлик бўлиши табиийдир. Кишилар ўртасидаги ўзаро меҳр-мурувват ва оқибат туйғулари ҳам салом билан бошланади. Шунинг учун бўлса керак Имом Ғаззолий бундай деган: "Ўзингга нисбатан кишилардан қандай муомалани кутсанг уларга нисбатан ҳам худди шундай муомалада бўл".

Меҳр ва мурувват йилда домлар ва талабаларнинг ўзаро муносабати янада юқори даражага кўтарилиши шубҳасиз. Тарихдан маълумки, боболаримиз ҳар бир сўзида меҳр, мурувват, оқибат ва саховатини талқин қилганлар. Бундан ташқари, "Устоз — отангдан улуг" деган нақл ҳам бор. Домла билан талаба ўртасидаги меҳр ва мурувват, бир-бирини эъозлаш нафақат талабалар йиллари, балки умрнинг охиригача устоз ва шогирд бўлиб қолиш, бир-бирининг аҳолидан хабардор бўлиб туриш билан белгиланса яхши бўлур эди. Бунинг учун эса меҳр-мурувватнинг тарихий илдизларини билиш ва шу тариқа миллий ривожланишининг омилларини чуқур ўрганиш йўл-йўриқларини топиш лозимдир.

МАЪНАВИЯТ СОАТИ

Талабалар билан ўтказиладиган ҳафталик маънавият соатларини "кампания" тарзида эмас, доимий, зарурий воқелик сифатида олиб бориш лозимдир. Маънавиятимиз ва маърифатимиз ривожига ислом дини қанчалик ижобий таъсир кўрсатишини, Ўзбекистон халқи ўзининг ўтмиш тарихида бир неча бор маданий юксалик босқичини — Уйғониш даврларини кечирганлигини, Амир Темур ва теурийлар даври Турон-замин тарихи ва халқлари ҳаётида юксак тараққиёт босқичи бўлганлигини, тарихий шахслар, буюк алломалар ўзлари яшаган даврларидаги жамият тараққиётини тезлаштириш учун маданий-маънавий омилларга алоҳида эътибор берганликларини, кишиларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик, меҳнатсеварлик, миллатпарварлик, дўстлик, биродарлик, ҳалоллик, виждонийлик, меҳр-мурувват руҳида тарбиялашга, уларнинг миллий ифтихор, бурч ва масъулият туйғусини кучайтиришга ҳаракат қилганликларини таърифлаб бера билиш ўз навбатида ёшлар тарбиясида катта аҳамият касб этади.

Маънавият соатларида "Ватан менга нима берди, мен Ватанга нима берялман?", "Эртага қандай яшашимиз бугун қандай ишлашимизга боғлиқ" каби мавзуларда очик сўхбат ва мулоқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, талаба-ёшларга мақсадларимиздан бири — ишлаб чиқаришни интенсив йўлдан олиб бориш ва ниҳоят Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш ҳамда бу иттилоҳида қатъий иш, ижро интизоми, тартиб муҳим аҳамият касб этишини уқтира ва тушунтира олишимиз лозимдир.

Хоҳаймизми-йўқми, энди тартибсизлик билан узоққа бориб бўлмайди. Тартиб, энг аввало, ҳаётнинг асосини ташкил этувчи жаҳаларда, кундлик ишларимизда, меҳнатни ташкил этишда, ғояларга бўлган муносабатда, замон талабига оид ҳис-туйғуларда содир бўлиши керак.

Н. МҶМИНОВ,
ТАТУ "Маънавият ва маърифат" ишлари бўйича 1-проктори

СЎЗ БОШИ — АССАЛОМИ

Ўзбекининг ўзига хос гўзал аъналаридан бири саломлашишдир. Халқимизнинг бизгача етиб келган қадимий ва бой манбаларида саломлашиш ҳақида кўплаб ривоят, афсона, мақолу маталлар мужассам. Ҳатто, эртақларимиздаги Ялмоғиз кампирнинг Кенжа ботирга қарата "Агар саломинг бўлма-

Давлат алоқа инспекциясининг долзарб йўналишларидан бири истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Ушбу мақсад йўлида ўтган йили Андижон вилоятидаги алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият кўрсатувчи ҳўжалик юритувчи субъектларда мунтазам равишда текшириш ва ўрганишлар олиб борилди.

“Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи” республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режага асосан, Андижон вилояти электр тармоқлар корхонасида, вилоят “Матбуот уюшмаси” МЧЖ, Насос станциялари, Энергетика ва алоқа бошқармаси, «Тараққиёт» телекомпанияси, «Андижон вилояти кабел телевидениеси» МЧЖ ва «ОРО» хусусий фирмаларида жами олти текширишлар, шунингдек, “Андижон Телеком” филиалининг Андижон шаҳар, Улугнор, Шаҳрихон, Марҳамат, Асака, Куйганёр, Хўжаобод, Пахтаобод, Олтинкўл, Бўз, Пойтуғ, Кўргонтөпа, Хонобод, Оқолтин, Охунбобоев, Балиқчи телекоммуникациялар боғламалари, “Андижон почтаси” АЖга қарашли 69та алоқа бўлимлари ва вилоят “Матбуот уюшмаси” МЧЖнинг 32та матбуот дўконларида ўрганишлар ўтказилди.

Текшириш якунлари бўйича вилоят электр тармоқлар корхонасидан бошқа ҳамма ҳўжалик юритувчи субъектларга, “Андижон Телеком” филиалининг ўрганиш ўтказилган барча телекоммуника-

циялар боғламалари ҳамда “Андижон почтаси” АЖнинг Бўз, Олтинкўл ва Охунбобоев алоқа бўлиmlарига аниқланган камчиликларни

нилан барча телекоммуникациялар боғламаларида ижара асосида фаолият кўрсатаётган таксофонлар олдидан улардан фойдаланиш қоидалари ҳамда яқин атрофдаги таксофонларнинг манзиллари ҳақида маълумотлар мавжуд эмаслиги, “Андижон почтаси” АЖнинг ўрганишлар ўтказилган Пахтаобод ва Охунбобоев алоқа бўлиmlаридан бошқа ҳаммасида почта алоқаси хизмати бўйича белгиланган имтиёзлар рўйхати, кўрсатила-

диоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олиш (бериш), лойиҳалаш, куриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет элдан келтириш тартиби тўғрисида”-ги Низомнинг 12-бандини бузганлиги учун «Тараққиёт» телекомпаниясининг мансабдор шахсига Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексининг тегишли моддаларига асосан жарима солиниб, маҳаллий бюджет ҳисобига тўлиқ ундирилди.

Текширишлар ва ўрганишлар давомида жойлардаги камчиликларни очиб ташлаш билангина чекланиб қолмасдан, балки ушбу камчиликларни бартараф этиш учун, аввало, ҳўжалик юритувчи субъектларга янги амалга киририлган қонун ва меъёрий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари ҳақида маълумотлар тақдим қилиниб, амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, муаммолар бартараф этилишини назорат қилиб боришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ишнинг бундай ташкил этилганлиги туфайли ўтган 2003 йил мобайлида жойларда аниқланган камчиликларнинг 90 фоизини бартараф қилишга эришилди.

Р. ТАВАКАЛОВ,
Андижон вилояти
ДАИ бошлиғи

ЖАРИМА УНДИРИЛДИ

бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилиб, бажарилиши назорат остига олинди.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, текшириш ва ўрганишлар натижаси баъзи ҳўжалик юритувчи субъектларда кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифатини яхшилаш, фуқаролар муносабатлари билан ишлаш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиладиган жойларнинг эстетик безатилиши ва улар учун маълумотларнинг мавжудлигини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилаётганлигини кўрсатди. Шу билан бирга, “Андижон Телеком” филиалининг ўрга-

диган асосий хизмат турлари ва юқори ташкилот тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги, Андижон вилояти “Матбуот уюшмаси” МЧЖнинг Шаҳрихон, Куйганёр бўлиmlарига қарашли ўрганилган матбуот дўконларида даврий нашрларнинг етиб келиш вақтлари ҳақидаги маълумот ҳамда товарларга нархлар ёзиб қўйилмаганлиги аён бўлди.

«Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари»га роя элмаганлиги учун бир нафар фуқаро ва бир нафар мансабдор шахсга ҳамда аниқланган камчиликларни тўлиқ бартараф этмаганлиги, шу билан бирга, “Ра-

УМУМБАШАРИЙ ЛОЙИҲА



“Новости” РААнинг хабар беришича, Россия, АҚШ ва Хитой биргаликда “Умумбашарий ҳалқа компютер тармоғи”ни яратишади. GLORIAD (Global Ring Network for Advanced Application Development) халқаро лойиҳаси фан ва маориф соҳаларининг келгусидаги тараққиётга хизмат қилишга мўлжалланган. Россиялик академик Е.Велиховнинг сўзларига қараганда, илмий ахборотлар кўлами шу қадар кенгайиб бормоқдаки, уларни ишлаш учун янада қудратли компютерлар, янада тезкор тармоқлар зарур бўлади.

GLORIAD лойиҳасида Россия томонидан Саноат, фан ва технологиялар ҳамда Алоқа вазирликлари, “Ростелеком”, шунингдек, Россия Фанлар Академияси иштирок этади. Лойиҳани амалиётга жорий қилиш ишлари аллақачон бошланиб кетган. Little GLORIAD тармоғи устидаги ишлар ўтган йилнинг декабр ойида якунланган эди. Бу тармоқ Россия, Хитой ва АҚШни бир-бири билан боғлаб, маълумотлар узатиш тезлигини 155 Мбит/с га етказишни таъминлайди. “Катта” GLORIADга тўхтайдиган бўлсак, у маълумотларни 10 Гбит/с тезликда узатиш имконини беради.

ВИРУСЛАР ХИТ-ПАРАДИ

“Касперский лабораторияси” деб номланувчи вирусларга қарши курашувчи компания энг кўп тарқалган вируслар рейтингини эълон қилди. Маълумки, ўтган ойда Интернет орқали бир-варакайига бир неча вирус эпидемиялари тарқалган эди. Бу борада, шубҳасиз, зарар келтирувчи дастурларнинг тарқалиш тезлиги бўйича барча рекордларни янгилаган Mudoom чувалчанги эпидемияси биринчи ўриндан мустаҳкам

АЛОҚА ОЛАМИДА

жой эгаллади. Январ ойида етказилган зарарларнинг 78,32 фоизи Mudoom.a (ушбу эпидемиянинг дастлабки ва энг кўп тарқалган намояндаси)га тегишлидир. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, Mudoom 2004 йилнинг 27 январида пайдо бўлган.

Mudoomнинг энг яқин таъкибчиси, декабр ойининг карвонбошичи бўлган Swen вируси 6,57 фоизлик кўрсаткич билан иккинчи ўринни банд этган. Яна бир “машхур” эпидемия айбдори Bagle.A эса олтинчи ўринга тушиб кетди. Mmail оиласига мансуб вируслар ҳали ҳам ўз кучини йўқотганича йўқ (3-ўрин — 3,63 фоиз).

“АҚЛЛИ” АНТЕННАЛАР

Лондон университетининг олимлари учинчи авлод уяли тармоқлари (3G) учун база станциялари сонини 15 фоизга камайтириш ҳамда “ўлик” ҳудудлар сонини озайтириш имконини берувчи янги тоифага мансуб антенналарни ишлаб чиқарди.

Adamant (Airport Decision and Management Network) тизими йўловчилар кечкиши туфайли авиақатновларнинг ушланиб қолишини қисқартиришга қаратилган Европа миқёсидаги йирик лойиҳанинг бир қисми ҳисобланади. Adamant воситасида авиакомпаниялар мижозларини қидириб топиб, уларнинг мобил телефонларига парвознинг бошланиши ёки тўхтатилгани ҳақида хабар бериш қўзда тутилган. Бунинг устига ушбу усул ёрдамида баъзи техникавий муаммоларни ҳам бартараф қилиш мумкин. Жумладан, каналларга юкланиш кучайиб кетганда уяли алоқа операторлари мижозларнинг бир қисмини “узиб қўйиш”га мажбур бўлишади. Бу ҳолат юз бермаслиги учун аэропортларда “ақлли” антенналарни ўрнатиш ўзини оқлайди.

Adamant шу йилнинг ёзида Афинада ўтадиган Олимпия ўйинларида синовдан ўтказилади. Сайёҳлар ва спортчиларнинг катта оқими “ақлли” антенналарни оғир шароитларда синовдан ўтказиш имконини беради.



ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади.

Кафедра мудирилари:

Мухандислик графикаси — 1,
Телекоммуникация узатиш тизимлари — 1,
Иқтисод — 1.

Профессорлар:

Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари — 1.

Катта ўқитувчилар:

Касбий педагогика — 1,
Мухандислик графикаси — 1,
Электр занжирлари назарияси — 1,
Радиотехник тизимлар — 1,
Алоқа қурилмалари электр таъмиоти — 1,
Физика — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари — 1,
Информатика — 1,
Ахборот технологиялари — 1,
Телевидение ва радиоэшиттириш — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.
Тел: 138-64-06.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Хоразм Телеком” филиали жамоаси филиал директори муовини **Бахтиёр МАДАМИНОВ**ни таваллуд топган куни билан чин юракдан муборакбод этади. Унга узоқ умр, оилавий бахт, келгуси ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.

Тошкент ахборот технологиялари университети ва Радиотехника, радиоалоқа ва телерадиоэшиттириш факултети жамоалари факултет декани, “Радиотехник тизимлар” кафедраси мудири, доцент **Рефат ИБРОҲИМОВ**ни муборак 60 ёши билан чин қалбдан қутлайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва келгуси ишларида ижодий зафарлар тилаб қолади.

“Қорақалпоқ почтаси” АЖ Чимбой филиали касаба уюшмаси кўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси **Норҳон РАЙМОВА**ни 55 ёшга тўлиши муносабати билан чин юракдан табриқлайди. Унга сihat-саломатлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, ишларида ривож тилайди.

ТЕЛЕДАСТУРЛАР 9-15 феврал учун TVI, TVII, TVIII, TV IV, OPT, PTP, HTB

6.00 Телеканал "Добро утро"
8.40 Выборы - 2004
9.00 Новости
9.10 Сериал "Следующий" (Next-3)

18.30 Просто смеи!
19.00 "Земля любви, земля надежды"
19.10 Сериал "Законченная серия"
19.50 Сериал "Моя граница"

3.00 Комедия "Когда Гарри встретит Салли"
4.40 Сериал "Шлонка"
5.00 Новости
5.05 Сериал "Шлонка". Окончание

10.50 Телесериал "Вокзал". 14.45 ВЕСТИ. ДЕКУРНАЯ ЧАСТЬ
12.00 ВЕСТИ
12.10 ВЕСТИ-МОСКВА

16.55 Детективный сериал "Прозрачный кандрит". 17.25 Агентство одиноких сердец
1.10 "Дорожный патруль"
1.25 Агентство одиноких сердец

19.00 Сериал "Следующий" (Next-3)
10.10 "Земля любви, земля надежды"
11.10 Сынхолограммы Евгения Петросяна
11.40 Дисней-клуб: "База и его команда"

ЖУМА, 13

"Узбекистон" телеканалы IV
6.00 "Ассалом, Узбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35, 17.55 ТВ-маркет. "Болалар сайраси"

18.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 "Дастурхон атрофида"
20.30 "Ахборот"
21.10 "Муносабат"

17.20 Болалар экран. 17.45 "Табриклиймиз-кутаймиз"
17.55 "Хорик хабарлари"
18.00, 21.15 "Экспресс"

17.20 Болалар экран. 17.45 "Табриклиймиз-кутаймиз"
17.55 "Хорик хабарлари"
18.00, 21.15 "Экспресс"

18.50 "Спорт мененг ҳайитим". 19.00 "Кучи бошиқ". Футбол шарҳи. РЖТ.
19.50 "Мужжизалар майдо-майдо"
21.00 "Время"
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.

21.30 "История любви". Прозрачный кандрит. 23.30 X/ф "Влюбленный Шекспир"
1.50 Триллер "Брак по расчету"
3.30 Комедия "Ночь напролет"
5.00 Сериал "Шлонка"

ШАНБА, 14

"Узбекистон" телеканалы IV
6.00 "Ассалом, Узбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 ТВ-анонс. 8.40 Газетлар шарҳи. "Болалар сайраси"

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 FSN "Узбекистон телеканалы" (инглиз тилида)
20.30 "Ахборот"

15.30 "Жуманки". Бадий фильм
17.15 Кўрсатувлар дастури
17.20 "Янги авлод" студияси: Буш Ункара
17.25 "Фанна тилсимси"

19.30 "Табриклиймиз-кутаймиз"
20.00 "Хусусийлаштириш: кадам бақадам"
20.20 "Ойбек. "Навоий". 20.45 "Болалар спорт". 21.05 "Жаҳон географияси". 21.35 "Нима учун?". 22.05 "Бахтли бўлинг?". 22.50 Киннохоб. "Нозик нисол малаҳка". 00.40-00.45 Хайри тун, шаҳри!"

21.00 "Время"
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ. 21.25 "Спорт - антракт". 21.30 "Хабарлар"
21.45 "Узбекистон - пилонлар юрти". Кураш. 21.45 ФИФА. 23.45 "Тунги ошда бўлинг!"

18.40 Максим Галкин, Лариса Долнина, Надежда Бабкина в концертной программе
20.00 «Кто хочет стать миллионером?»
6.00 "Время"
21.25 "Золотой Граммофон"
22.25 Боевик "Любэ"
24.40 Триллер "День святого Валентина"

ЯКШАНБА, 15

"Узбекистон" телеканалы IV
6.00 "Ассалом, Узбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 "Коммекс". Болалар унни мақориди.
10.00 "Ватанга ҳасрат қилмак". 11.00 "Она мени"

4.25 "Ким қилди?". Телешоу. "Яшасди қилмасди".
17.50 "Узбекистон" телеканалда илк маротаба: "Айтмасан қим билмаман". Бадий фильм 2-қисм. 00.30-00.35 Ватан тилсоллари.

17.10 Кўрсатувлар дастури
17.15 "Янги авлод" студияси: Катта таърифлар, Бахтли болалар
17.50 "Асиёб чемадир". Мультфильм
18.10 Спорт жаҳончаси
18.25 Хуш келибсан!

21.20 "Сакради қалити". 21.20 "Янги авлод" студияси: Катта таърифлар, Бахтли болалар
22.00 Киннохоб. "Кема ортида". 00.40-00.05 Хайри тун, шаҳри!"

22.00 Жаҳон спорти. Еврофутбол. РЖТ.
23.30 Бокс. Жаҳоннинг энг кучли профессионали боксчилари Рай Динс-Гленн Келли.
00.20 "Тунги ошда бўлинг!"

23.30 Бокс. Бой сиёҳийлар профессионали боксчи Рай Динс-Гленн Келли.
19.00 "Специальный корреспондент". 19.50 Остроумный фильм "Миллионеры"
22.20 X/ф "Миллионеры"
0.45 СЕЗМАЛ. "Сын, друзей!"
1.30 Канал "Евроноос" на русском языке

SOHA ATAMALARI

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР СОҲАСИДА ИШЛАТИЛАДИГАН АТАМАЛАРНИНГ РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ҚИСҚАЧА ЛУФАТИ*

(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)

возбудитель электромашин — электро-машиналар кўзгатгичи
воздушная линия связи — ҳаво алоқа линияси
воздушный желоб — ҳаво тарнови
вокодер — вокодер (сигнални кодловчи тизим)
волновое сопротивление — тўлқин қаршилиги
волномер — тўлқин ўлчагич
волны — тўлқинлар
гектометровые — гектометрли тўлқинлар (100-1000 м) ёки (300-3000 МГц)
декаметровые — декаметрли тўлқинлар (10-100 м) ёки (3-30 МГц)
дециметровые — дециметрли тўлқинлар (10-100 см) ёки (300-3000 МГц)
децимиллиметровые — децимиллиметрли тўлқинлар (0,1 - 1 мм) ёки (300-3000 ГГц)
звуковые — товуш тўлқинлари
километровые — километрли тўлқинлар (10-1000 м) ёки (30-300 кГц)
метровые — метрли тўлқинлар (1-10 м) ёки (30-300 МГц)
миллиметровые — миллиметрли тўлқинлар (1-10 мм) ёки (30-300 ГГц)
мираметровые — мириаметрли тўлқинлар (10-100 км) ёки (3-300 кГц)
сантиметровые — сантиметрли тўлқинлар (1-10 см) ёки (3-30 ГГц)
электромагнитные — электромагнит тўлқинлар
волновод — тўлқин ўтказгич
круглый — доиравий тўлқин ўтказгич
прямоугольный — тўғри бурчакли тўлқин ўтказгич
эллиптический — эллиптик тўлқин ўтказгич
волновой поиск — тўлқинли қидирув
волоконно-оптические линии связи — то-лалли-оптик алоқа линияси
вольт — вольт
вольтамперметр — вольтамперметр
вольтамперная характеристика — вольтамперли тавсиф
вольтметр — вольтметр
интегрирующий — интегралловчи вольтметр
многодиапазонный — кўп диапазонли вольтметр
электронный — электрон вольтметр

вольтова дуга — вольт ёйи
восстановление — тиклаш, тикланиш
вращающаяся измерительная катушка — айланувчи ўлчов галтаги
вращающее магнитное поле — айлантувчи магнит майдони
вращающийся момент — айлантувчи лаҳза
время доставки — элтиб бериш вақти
временной способ кодирования — кодлашнинг вақт бўйича усули
входящий (-ая, -ее) — кирувчи, келувчи
корреспонденция — келувчи хат-хабарлар
соединение — кирувчи уланиш
станция — кирувчи станция
сторона — кирувчи томон
телефонная нагрузка — кирувчи телефон юки
вывод — чиқариш
выделенный сигнальный канал — ажратилган сигнал канали
вызов повторный — такрорий чақирув
вызываемый абонент — чақирилувчи абонент
вызывающий абонент — чақирувчи абонент
вызывной прибор — чақирув асбоби
выключатель — узгич
вынужденный (-ое, -ые) — мажбурий
излучение — мажбурий нурланиш
искание — мажбурий излаш
колебания — мажбурий тебранишлар
выпрямитель электрический — электр тўғрилагич
выпрямительное устройство — тўғриловчи қурилма
выпрямительный диод — тўғриловчи диод
выпрямительный столб — тўғрилагич устуни
высокочастотный разряд — юқори частотали разряд
высокочастотный кабель — юқори частотали кабел
вычислительная математика — ҳисоблаш математикаси
вычислительная машина — ҳисоблаш машинаси
вычислительная система — ҳисоблаш тизими
вычислительная техника — ҳисоблаш техникаси
вычислительный центр — ҳисоблаш маркази

(Давоми бор.)

* Луғат ФТМТМа тайёрланган.

SPORT, SPORT, SPORT

PROFI-BOKS

ЖАНГ КУНЛАРИ МАЪЛУМ



Январ ойида Лас-Вегас (Америка) га йўл олган профессионал боксчиларимиз — Муҳаммадқодир Абдуллаев (63,5 кг) ҳамда энг оғир вазнда рингга кўтарилувчи Руслан Чагаев 17 феврал куни Германияда бўлиб ўтадиган жангларига жиддий тайёргарлик кўришмоқда. Иккала спортчимиз ҳам баҳсдан бир ҳафта олдин Гамбург шаҳрига етиб келишади.

Яна бир профессионал боксчимиз Қувончбек Тойғонбоев (69 кг) эса 7 феврал куни Москвада Жанубий Африка вакили билан учрашади. Эслатиб ўтамиз, чарм кўлқоп усталаримизнинг мазкур жанглари ўз таснифларида юқорига кўтарилишлари учун имкон яратди.

TENNIS

БИРИНЧИ РАҚИБ ХИТОЙ ТАЙПЕЙ

Эрақлар ўртасидаги норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланадиган Дэвис Кубогининг Осиё-Океания минтақаси 1-гурӯҳида юртимиз ракетка усталари Хитой Тайпейи терма жамоасига қарши баҳс олиб борадилар. Терма жамоамиз таркибидан Вадим Куценко, Дмитрий Мазур, Мурод Иноятлов ва Сарвар Икромовлар жой олишган. Беллашувлар 6-8 феврал кунлари рақибимиз кортларида бўлиб ўтади.

FUTBOL

РОССИЯ

Фойдасига ҳал бўлди


Россия терма жамоаси ва "Спартак" клуби аъзоси Егор Титовнинг допинг можаросига аралашиб қолганлиги кўпчиликини ташвишга солганди. Бунга сабаб, нафақат Титовнинг бир йилга футболдан четлаштирилиши, балки терма жамоанинг шу йили Португалияда бўлиб ўтадиган Европа чемпионатида қатнашишдан ҳам маҳрум бўлиши мумкинлиги эди.



Уэлс терма жамоасини Европа чемпионати финал босқичидан маҳрум қилган россияликлар таркибида Егорнинг ҳам иштирок этгани уэлсликларнинг УЕФАга шикоят қилишларига сабаб бўлди. Яқинда ушбу шикоят кўриб чиқилди. Бирок иш "жабрланувчи" томонига ҳал бўлмади. Уларнинг барча талаби рад этилди. Эслатиб ўтамиз, уэлсликларнинг талаби бўйича 0:1 ҳисобида яқунланган сўнгги учрашув 3:0 ҳисобида улар фойдасига ҳал бўлиши ва Португалияда Россия терма жамоаси ўрнига Уэлс иштирок этиши керак эди.

"ТЕЛЕГРАФ" КРОССВОРДИ

Тузувчи: Л. Саидмуродов



ЭНИГА: 6. Ал-Хоразмий асос солган фан. 9. Тропик ўсимлик. 10. Амирхон иштирокидаги филм. 11. Ликобча. 12. Ироқ футбол жамоаси. 17. Гурурсиз. 21. Оғирлик ўлчови. 22. Келиб чиқишига кўра ҳар хил, турли жинсли. 23. Раҳмат, ташаккур. 25. Нил дарёсининг ирмоғи. 26. Журналистнинг иш қуроли. 30. Европа давлати. 34. Зарarli шамол. 35. Эски амалдор. 36. Югурувчи. 37. Навнихрл.

БҮЙИГА: 1. Почта жўнатмаси. 2. Алоқа тури ва жиҳози. 3. Юқори. 4. Матонат. 5. От анжومي. 7. Пов ихтироси. 8. Пайгамбаримиз насиҳатлари. 13. "ЎзДЭУ" маҳсулоти. 14. Бир неча машинадан иборат мураккаб машина. 15. Сира, ҳеч қачон. 16. Бирор мамлакатта элчи сифатида тавсия этилган кишининг келишига шу мамлакат ҳукуматининг розилиги. 17. Синов. 18. Газетада бўлим сарлавҳаси. 19. Толесиз. 20. Аравачи. 24. Тошкент метро бекатларидан бири. 27. Осиё давлати. 28. Уммон. 29. Кам миқдорда. 31. Шаҳар (АҚШ). 32. Компютер қушандаси. 33. Зеро.

Газетамизнинг 3(592)-сонида чоп этилган "Амплитуда" кроссворди жавоби

ЭНИГА: 1. Вакуум. 4. Оптика. 7. Амперметр. 9. Зайл. 11. Фард. 13. Дунга. 14. Лалми. 16. Рупор. 17. Олма. 18. Асли. 19. Тўсиқ. 21. Ақула. 23. Барпо. 25. Назм. 27. Вақт. 28. Амплитуда. 29. Радиал. 30. Чотқол.

БҮЙИГА: 1. Вокзал. 2. Урал. 3. Мопед. 4. Опера. 5. Торф. 6. Айбдор. 8. Рено. 10. Йўлдошсиз. 12. Амплитуда. 15. Ирмоқ. 16. Роста. 19. Тандир. 20. Арни. 22. Ақтуал. 23. Бепул. 24. Овунч. 26. Мали. 27. Ватт.

